



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ЙЎНАЛИШИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигида бўлиб, соҳадаги режалар тақдимоти билан танишди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги бу агентлик ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Шунга мувофиқ, тупроқ, ўғитлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибини таҳлил қилади, зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишига қарши курашиб, фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштирилишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда соҳада 7 та янги ахборот тизими жорий қилиниб, 40 та йўналиш рақамлаштирилди. Халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг 20 миллион долларга яқин грант маблағлари жалб этилиб, лаборатория ва ускуналар янгиланди. Ҳудудлардаги стационар ва мобиль лабораториялар орқали 1 миллион 40 минг гектар ернинг тупроқ таҳлили ўтказилиб, минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари илмий асосда белгиланди ва "uzagrolab.uz" дастурига киритилди. Ундаги маълумот ва тавсиялар орқали фермерлар дала ва боғларга аниқ ишлов бермоқда.

Бундай чора-тадбирлар мева-сабзавотларимиз сифати ва хавфсизлигида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда 80 та давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 620 та фитосанитар сертификатлар электрон санитар рухсатлар олинган. "GSP+" тизими доирасида 200 минг гектар майдон халқаро талабларга мослаштирилган. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экспорт қарийб 2 миллиард долларни ташкил этган. Лекин аслида, экспорт салоҳияти бундан анча кўп.

Шу йил 18 январь кунини экспорт ва саноат масалалари бўйича бўлиб ўтган

видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик соҳасидаги чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди. Хусусан, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкиллаштириш ҳамда янги салоҳиятли бозорлар топиш бўйича вазифа қўйилганди.

Тақдимотда шу борада қилинаётган ишлар ва режалар ҳақида ахборот берилди.

Лойиҳалардан бири "Агроқўмакчи" мобиль иловаси бўлиб, унда ўсимликлар ҳимояси, бу соҳадаги хизматлар, фойдали маълумотлар, экспорт бўйича маслаҳатлар билан танишиш мумкин.

Asiaexport.se платформаси эса юртимиздаги экспортчилар билан чет элдаги харидорларни ўзаро боғлайди. Унда нафақат мева-сабзавотлар ва қуритилган мевалар, балки шарбатлар, уй-рўзгор буюмлари, қандолатчилик, тўқимачилик, чармдўзлик ва фармацевтика маҳсулотлари каби кенг турдаги товарлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилади.

Агентликнинг халқаро ePhyto solution инновацион тизими доирасидаги ҳамкорлиги ҳақида ҳам ахборот берилди. Бу тизим орқали 119 та мамлакат билан фитосанитар сертификатлар электрон санитар рухсатлар олинган. "GSP+" тизими доирасида 200 минг гектар майдон халқаро талабларга мослаштирилган. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экспорт қарийб 2 миллиард долларни ташкил этган. Лекин аслида, экспорт салоҳияти бундан анча кўп.

Шу каби чора-тадбирлар натижасида бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, экспортбоп маҳсулотларни

кўпайтириш, фермер ва деҳқонларнинг хабардорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу соҳада ҳуқуқий замин бор, кўп давлатлар билан келишувларга эришганмиз. Лекин экспортчилар маҳсулотини қийинчилик билан сотяпти. Шунинг учун экспортчилар билан доимий "мулоқот майдони"ни ташкил этиш керак. Ҳокимлар ҳудудда етиштирилаётган маҳсулотлар, элчилар ташки бозордаги талаб ва нархлар билан экспортчиларни таништириб бориши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз мева-сабзавотларни қадоқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

— Қадоқлар халқаро стандартларга мос, замонавий дизайнда, саноатлашган тарзда бўлиши керак. Ўшанда сифат бўлади, миллий бренд яратилади, қўшилган қиймат ҳам баланд бўлади. Шунинг учун экспортчиларга тўғри, тартибли ва чиройли қадоқлашни ўргатиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Маҳсулотлар яроқсиз бўлиб қолмаслиги, экспортга сифатсиз маҳсулот қўшилиб кетмаслиги учун тизимли ишлаш муҳимлиги айтилди.

— Бу борада ҳам кластер тизими бўлиши керак. Таълимдан бошлаб, маҳсулотларни экиш, ўғитлаш, териб олиб, саралашгача бўлган ҳамма босқичларни ўзаро мувофиқ ва юқори сифатда йўлга қўйиш зарур, — деди Президент.

Вазирлар Маҳкамасига ушбу тизимни такомиллаштириш ва экспортни режалаштириш бўйича вазифаси қўйилди.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ЕТАКЧИСИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни ушбу мамлакат президентлигига сайловда қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Давлатимиз раҳбари сайловчиларнинг фаол иштироки ва овоз бериш натижалари россияликлар амалдаги Президентга юксак ишонч билдираётгани, амалга оширилаётган сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаётганини яна бир бор тасдиқлаганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестиция

лойиҳалари амалга оширилмоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдонга айланган навбатдаги "ИННОПРОМ" халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтади.

Телефон орқали мулоқот чоғида бўла-жак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

ЎЗА

Муносабат

САМАРҚАНД НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Ўтган йил ноябрь ойида Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясида ташкилотта аъзо 194 давлатнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислохотларга юксак баҳо бериб, Бош конференциянинг навбатдаги — 43-сессиясини Ўзбекистонда ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган эди. Бош конференция ЮНЕСКОнинг олий органи бўлиб, унинг сессиялари ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтади.



Ўтган 40 йилдан ортиқ вақт давомида Бош конференция сессиялари фақат Париж шаҳрида ўтказиб келинади ва бу давр мобайнида бир марта (1985 йил Болгариянинг София шаҳрида) Франциядан ташқарида ўтказилган. Шундай олий даражадаги

нуфузли анжуманнинг навбатдаги сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миёсда обрў-эътибори тобора юксалаётганидан далолатдир.

Давоми 2-бетда

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 март куни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўтган йили юртимизда 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, озиқ-овқат саноатида 86 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бунча маҳсулотда 5 миллиард долларлик экспорт қилиш мумкин эди. Лекин вазирлар ва ҳокимлар ишни тўғри ташкил қила олмагани, экспортчилар муаммосини ҳал қилмагани сабабли бу кўрсаткич 2 миллиард доллардан ошмаган.

Йиғилишда экспорт таркиби ва географияси таҳлил қилинди. Хусусан, ўтган бир йилда Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Колумбия, Индонезия каби 10 дан ортиқ янги бозорлар очилиб, уларнинг сони 85 тага етди. Лекин экспортнинг 80 фоизи 5 та давлат бозорига тўғри келяпти. Шунингдек, 10 турдаги маҳсулотнинг улуши жами мева-сабзавот экспортда 60 фоизни ташкил қилади.

Ҳар йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга 700 миллиард сўм, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 1 триллион сўм йўналтирилмоқда. Лекин натижа шунга яраша эмас. Бу борада 1 миллион гектар ғалладан бўшайдиган майдон, 508 минг гектар аҳоли томорқаси, 260 минг гектар одамларга бўлиб берилган ерлар имкониятидан тўлиқ фойдаланилмапти. Айрим туманлар умуман мева-сабзавот экспорт қилмаган.

Давлатимиз раҳбари бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат экспортини жадал ошириш учун яна қандай шароит керак бўлса, қўриб чиқишга тайёрлигини билдирди.

— Инфляцияни жиловлаш ва валюта барқарорлигини таъминлаш экспорт

билан чамбарчас боғлиқ. Кўп маҳсулот етиштириш билан бирга экспортга қулайликларни кенгайтирмасак, натижа кутилгандек бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда экспортчи тадбиркорлар ва логистика корхоналари вакиллари иштирок этди. Президент улар билан мулоқот қилиб, муаммо ва ташаббусларини эшитди.

Жумладан, Германия, Венгрия, Польша, Испания, АҚШ ва Қозғоғистондаги савдо уйлари тадбиркорлар бошқарувига бериш, Нагоя, Мерсин, Роттердам, Циндао, Клайпеда, Доха каби йирик порт шаҳарларда савдо уйи очиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Яқинда Юқори Чирчиқдаги Агротехизматлар марказида халқаро аккредитациядан ўтган илк хусусий лаборатория очилди. Бу йил 8 миллион доллар инвестиция ҳисобига Зангиота тумани, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ҳам худди шундай замонавий лабораториялар ишга тушади.

Тошкент шаҳрида Референс-лаборатория ташкил этилиб, хусусий лабораториялар ишининг халқаро стандартларга мослиги таъминланади. Бунга Жаҳон банкидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 12 миллион доллар берилди. Бундан буён халқаро тан олинган реагентлар импорт божидан озод қилинади, уларга мажбурий экологик сертификат олиш талаб этилмайди.

Мутасаддиларга бошқа лабораторияларни ҳам халқаро аккредитациядан ўтказиш, мева-сабзавот сифатига хорижий давлатларнинг миллий талабларини ўр

ганиб, юртимиз экспортчиларига етказиш бўйича топишириқ берилди.

Халқаро кўргазмаларда қатнашиш тизимини қайта қўриб чиқиш кераклиги айтилди. Бунда тадбиркорларнинг рейтингини асос қилиб олинади. Юқори ва ўрта рейтингга эга бўлган тадбиркорлар учун кўргазмаларда қатнашиш харажати 100 фоиз олдиндан тўланади. Паст рейтинглилар кўргазмада иштирок этганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан кейин харажати 50 фоиз қисми қоплаб қилинади.

Кўплаб экспортчи корхоналарни қийнаётган масала бу — айланма маблағ. Шу боис, жорий йилда Бизнесни ривожлантириш банкидан ушбу мақсадлар учун 1,5 триллион сўм ресурс йўналтирилади. Бу маблағлар эвазига экспортчи корхонага фермер ва тайёрлов омбори билан тузган шартнома суммасининг 50 фоизигача имтиёзли кредит берилади. Кредитлар 18 фоиз ставкада 6 ой имтиёзли давр билан 1,5 йил муддатга ажратилади.

Маълумки, мева-сабзавот саноат маҳсулотларига қараганда тез бузилади, сифатини йўқотади. Шу боис, маҳсулот туридан келиб чиқиб, йўқотиш миқдори 10 фоизгача белгиланади. Ҳўл мева, шарбат, қандолат, мураббо, жем каби бир хил ҳароратда етказиш талаб этиладиган маҳсулотлар учун совиткичли юк контейнерлари олиб келинади.

Табиий йўқотиш ва сифат бузилишини камайтириш учун қадоқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу йўналишда замонавий корхона ташкил қилиб, тажрибали дизайнерларни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали экспорт ҳажмлари нисбатан қиммат бозорларга йўналтириш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари агентликнинг замонавий лабораторияси билан танишди. Лабораториянинг илмий салоҳиятини ошириш, жаҳондаги илмий ютуқларни ўзлаштириб, соҳага тегишли идораларда тезкор татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда агрокимё тизимида қўлланаётган техника ва ускуналар ҳам намойиш қилинди.

Қайд этилганидек, чет элдан юқори самарали энтомофаглар олиб келиниб, зараркунанда ҳашаротларга қарши янги турда кураш йўлга қўйилган. Тажрибали экспертларни жалб этган ҳолда ҳар бир маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қадоқлаш ва етказиб бериш бўйича қўланмалар ишлаб чиқилган. 10 та кўчма лаборатория ташкил этилган.

Бу йил ҳудудларда 10 та кўчма лаборатория ташкил қилинади. 6 мингта боғ, 3 мингдан зиёд тоқзор ва дала майдонлари, 344 та қадоқлаш корхонаси хорижий фитосанитария талабларига мувофиқлаштирилади. Пестицидлар муомаласидаги барча жараёнлар рақамлаштирилиб, сифатсиз пестицидларнинг юртимизга олиб келиниши ва ноқонуний савдосига барҳам берилади.

Президент тизимдаги мутахассислар малакасини ошириш, агентлик хизматларининг ҳар бир фермер ва томорқа эгаларига етиб боришини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Ўрнат



ЁШ ТАДБИРКОР МАКТАБ ВА ШИФОХОНА ҚУРДИ

...Бунга анча йиллар бўлди. Каттаю кичик далага жалб этиладиган дамлар. Қўлидан иш келадиган киши борки, барча куз фасида пахта теримига қувиларди. Шароитлар ҳаминқадар, узок-яқиндан келган ҳашарчилар уч кун ўтмай тоби қочиб қолса-да, биров холинг не, деб сўрамасди. Шу пайтлар қишлоқда бирорта тиббиёт пункти ҳам йўқ. Каттагина хўжаликда бор-йўғи битта шифокор бўларди.

Обид ота шуларни ўйларкан, юрагида оғриқ сезди. Эсим, ёшлигимизда ҳам шундай замон бўлганида, бу дард қайда эди. Оқсоқол секин ўрнидан туриб, бузиладиган эски қишлоқ врачлик пункти биносини айланиб, нураб қолган деворларига қўз ташлади.

...Айни тоғни урса толқон қиладиган йиғитлик чоғи эди. Кексалар ташаббуси билан шу ердан икки хонадан иборат бўлса-да, тиббиёт пункти қуриладиган бўлди. Ҳашар яхши нарса. Кексалар ҳайбаракалла қилиб турди. Ёшлар лой қориб, пахсадан ўн

беш кунда бино деворини тиклади. Ўшанда Обид ота ҳам бошидан охиригача ҳашарда қатнашганди. Том устини кимдир бир дона, яна бирови иккита ёғоч бериб, бир амаллаб ёпишганди. Лойсувоқ қилиб, қайдандир оҳақ топиб, деворларни оқлаб чиқишганида бинойидек шифохонача бўлганди. Шундан сўнг нурунийлар югуриб-елиб, хат-ариза қилиб, қишлоқ учун битта шифокор ажратилишига эришганди.

Давоми 2-бетда

Муносабат

САМАРҚАНД НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг “2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса нуфузли халқаро анжуманни юқори савияда ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўришга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир. Қарорда олий анжуманга тайёргарлик билан бирга, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб берилди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги тегишли маданий мерос объектларини асрашга доир ишлар ҳамда иммерсив ва мавзули кўргазмалар ташкил этилади. Мамлакатимизнинг Маданий ёд-горликларини сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши учун расмий ариза топширилади. Шунингдек, Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар ҳамда Таълимин тарғиб этувчи шаҳарлар тармокларига ва бошқа халқаро рўйхатларга киритиш чоралари кўрилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини чуқурлаштиришда ЮНЕСКО ташкилоти муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ушбу ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги анча самарали кечмоқда. Бунга мисол сифатида Ўзбек халқи моддий ва номоддий маданий меросининг қатор дурдоналари ЮНЕСКО рўйхатларидан жой олганини алоҳида келтириш мумкин. Жумладан, 2023 йилда “Ипак йўли: Зарафшон-Қорақум коридори” номзодномаси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Албатта, ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг бош қароргоҳи сифатида Самарқанд шаҳри танлаб олиниши беиз эмас, бунда чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, ушбу кўхна ва ҳамisha навқирон шаҳар азалдан тарихий учрашувлар, тамаддуллар мулоқоти маркази бўлиб келган. Бу ерда турли маданиятлар ўзаро учрашиб, бир-бирини тўлдириб, боийтиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Бунга мисол сифатида ўрта асрларда фаолият юритган Буюк ипак йўлини эслашнинг ўзи kifof.

Ҳозирги кунда ҳам “Шарқ гавҳари” бўлмиш Самарқанд мамлакатимизнинг энг

муҳим халқаро ва дипломатик ташаббусларини илгари суриш учун ўзига хос платформа вазифасини ўтамоқда. Сўнгги йилларда бу ерда халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик қатор тадбир ва анжуманлар ўтказилди. Масалан, “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция (2017 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018 йил) Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми (2020 йил), ШХТ саммити (2022 йил), Туркий давлатлар ташкилоти саммити (2022 йил), Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси (2023 йил) каби қатор йирик форумлар айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилгани фирмизнинг ёрқин далилидир.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995- ва 1997-йилларда бўлиб ўтган 28- ҳамда 29-сессияларининг шахсан иштирокчиси сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, ушбу олий анжуман ҳақиқатан йирик оламшумул воқеа ҳисобланади. Зеро, унда “инсониятнинг виждони” бўлмиш ЮНЕСКО ташкилотининг стратегик мақсад ва вазифалари қабул қилинади. Қолаверса, олий анжуман ишида ташкилотта аъзо барча давлатларнинг нуфузли делегациялари билан бирга ЮНЕСКО раҳбарияти ҳам тўлиқ таркибда иштирок этади.

Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуманнинг тарихий аҳамияти шундаки, у ЮНЕСКО ташкил топганининг 80 йиллик юбилеи билан ҳамоханг тарзда ўтказилади. Шу аснода 1945 йилда ташкил топган маъзурутзилманинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, нафақат истиқболдаги асосий фаолият йўналишлари белгилангани, балки тобора мураккаблашиб бораётган дунёдаги ўрни ва масъулияти қандай бўлиши ҳақидаги концептуал ёндашув ҳам шакллантирилади. ЮНЕСКО янги Бош директорининг айнан Самарқанд шаҳрида сайланиши ҳам бўлажак анжуманнинг нуфузини янада оширади.

Олий анжуман асосида Ўзбекистоннинг маданий-тарихий, илмий-маърифий, туристик имкониятлари, унинг дунё тамаддунига қўшган оламшумул ҳиссаси дунё ҳамжамиятга яна бир бор намоиш этилади. Халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқ кўпдан кўп маданий ёдгорликларни жаҳон тажрибаси ва халқаро эътироф этилган меъёрлар асосида сақлаш ва реставрация қилиш бўйича илмий асосланган тақдирлар ишлаб чиқилади.

Бир сўз билан айтганда, ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясига мамлакатимиз меэбонлик қилаётгани Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи юксалиб, жаҳон ҳамжамиятининг ўз ўрни ва сўзига эга бўлган фаол аъзосига айланиб бораётганидан. тинчлик ва барқарор тараққиёт руҳидаги “Самарқанд овози” тобора баяндрок янграётганидан далолат беради.

Шарҳ

ЯХШИ РАХБАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

АКСИНЧА, “ҚОНИҚАРСИЗ”ИНИНГ ЭҒАЛЛАБ ТУРГАН ЛАВОЗИМИГА ЛОЙИҚЛИГИ КўРИЛАДИ

Асрор МУҲИТДИНОВ,
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги департамент мудири

Қайси замон ёки қандай йўналишда бўлмасин, ўз ишига қийдойи мутахассис, яхши ишчи ҳамisha қадрланган. Чунки уларнинг самарали фаолияти иш берувчига, бундай иш берувчиларнинг кўплиги эса жамиятга, давлатга яхшигина наф келтирган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўплаб ишчи ва мутахассисларни бошқарувчи раҳбар ходимларнинг фаолияти самарадорлиги маълум бир тизим ёки йўналиш ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юри-тувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Президентимизнинг жорий йил 13 мартдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларнинг мантйкий давоми бўлди.

Фармон “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш ҳамда давлатимиз раҳбари ҳузурида жорий йил январь-февраль ойларида ўтказилган йиғилишларда 2024 йил учун соҳалар бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли эришилишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарлар ва ўринбосарлари фаолиятини натижадорликка йўналтиришнинг янги тизимини назарда тутиши билан аҳамиятлидир.

Маъзурут ҳужжат билан бир қатор асосий масалалар белгилаб берилди. Биринчидан, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тадқиқлашнинг янги механизми жорий этилди. Хусусан:

— эндиликда раҳбарлар ва ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ҳар йили ҳукумат томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқларида белгиланган

кўрсаткичлардан келиб чиқиб тадқиқланади. Яъни кўрсаткичларнинг долзарблиги ҳар йили қайта кўриб чиқилиб, аҳоли ва мамлакат учун энг муҳим ва долзарб масалалар акс эттирилади;

— республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Яъни барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари ягона йўналишда белгиланган мақсадларга эришишга ҳаракат қилади.

Маълумот учун: аввалги тартибга кўра, давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолиятининг асосий мезонлари ушбу қарор билан тадқиқланган ҳамда уларнинг режалари ташкилотларнинг коллегиял органи томонидан белгиланган. Яъни самарадорлик кўрсаткичлари ҳукумат даражасида ҳар йили қайта кўриб чиқилмаган.

Иккинчидан, ушбу самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича “йўл хариталари” ва ойлйк иш режаларини ҳамда

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тадқиқлашнинг янги механизми жорий этилди.

уларни ҳудудларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тадқиқлаш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда ўринбосарлари фаолиятининг

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича “йўл хариталари” ҳамда уларни ҳудудларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури самарадорлик кўрсаткичлари билан бирга комплекс тартибда ҳукумат даражасида тадқиқланади. Ушбу ҳужжатларнинг бир вақтда ва ҳукумат томонидан тадқиқланиши уларнинг уйғунлигини таъминлайди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича “йўл хариталари” ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари ўринбосарлари ойлйк иш режалари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тадқиқланади.

Учинчидан, баҳолаш жараёни рақамлаштирилиб, инсон омили қисқартирилмоқда, яъни самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорақда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг samaradorlik.uz электрон платформасига киритилади ҳамда унда раҳбарлар ва ўринбосарлари фаолияти самарадорлиги рейтингини шакллантирилади.

Рейтингда ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши 70 фоиздан кам бўлганда — “қоникарсиз”, 70 фоиздан 85 фоизгача — “қоникарли”, 85 фоиздан 100 фоизгача — “яхши” ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда “аъло” баҳоланади.

Баҳолаш жараёнини рақамлаштириш ва ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали инсон омили кескин камай-

туман (шаҳар)лар ҳокимлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш йўлга қўйилган. Ҳозирги вақтда раҳбарлар ва ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш эксперимент тарзда жорий этилган.

Тўртинчидан, эндиликда ҳар йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши юзасидан ҳисоботи эшитиб борилади.

Энг асосийси, раҳбарлар ва ўринбосарларининг белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли эришиш бўйича шахсий масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш мақсадида жамоатчилик назорати жорий қилинмоқда.

Бешинчидан, юқори натижа қайд этган раҳбарлар ва ўринбосарларини муносиб рағбатлантириш ҳамда “қоникарсиз” натижа қайд этганларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш белгиланди.

Раҳбарлар ва ўринбосарларини самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича ҳар томонлама руҳлантириш ҳамда машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида юқори натижа қайд этганларга рағбатлантириш тўловлари берилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, сусткашликка йўл қўйиб “қоникарсиз” фаолият юритганларга рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатилади ва уларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланиши белгиланмоқда. Асослантирилган объектив сабабларга кўра самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилмаганини тадқиқловчи ҳолатлар бундан мустасно.

Йил якуни бўйича “қоникарсиз” натижага эришган раҳбарлар ва ўринбосарларининг эғаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Умуман, раҳбарлар ва ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг янги тартибини жорий қилиш барча давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолияти натижадорлигини ошириш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш, пировардида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, давлат бошқарувиға профессионал ёндашиш, натижага қаратилган самарали бошқарув ҳамда малакали кадрларни жалб қилиш имкониятини оширади.

Ўрнат

ЁШ ТАДБИРКОР МАКТАБ ВА ШИФОХОНА ҚУРДИ

Бошланиши 1-бетда

Шунга ҳам эллик йил ўтибди. Бу орада бинонинг ёнида яна иккита хонани пахсадан қуриб беришди. Нима бўлганда ҳам шифохонанг борми деса, бор дегулик кўринишга келди. Аммо ҳар бир нарсанинг ўз поёни бор. Бино кейинги йилларда анча яроқсиз ҳолга келиб, деворлари қулагудек бўлиб қолди. Бундан ташқари, ислохотлар самарасида замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилаётган бир замонда бу эски қордеворда ишлайдиган шифокорнинг ўзи йўқ.

Замон ўзгариб, энди қишлоқ кўринишига ярашмай қолган бино бузилиб, ўрнига янги иншоот аллақачон бўй кўрсатди.

Ана бу бошқача иш бўлди. Бугун юртга шундай кўркем бинолар ярашади. Барака топсин, қишлоқдан чиққан ёшгина тадбиркор йигит ўз ҳисобидан янги тиббиёт пункти қуриб беришга бел боғлабди. Отасига раҳмат. Мана, замонавий маскан ҳадемай ишга тушади. Кўриниши ҳам кўзни қувватлади.

Ҳали ёш бўлишига қарамай, Дилшод Каримов ўзи тугтилиб ўсган Чироқчи туманидаги Қорабуруқ қишлоғи аҳолиси учун барча имкониятларга эга оилавий шифокорлик пункти қуриб берди. Жами тўрт юз миллион сарфланган иншоот жорий йилнинг январь ойида фойдаланишга топширилди.

— Эски бино, умуман, талабга жавоб бермай қолганди, — дейди шифохона бош шифокори Алишер Бойғозиев. — Шароитлари

ҳам ҳаминқадар, хоналар зах ва совуқ эди. Шу йигитга раҳмат. Ҳеч иккиланмасдан ўз ҳисобидан бино қуриб берди. Бу ердаги бино талабга жавоб бермагани боис, олдин оилавий шифокорлик пункти Баҳористон қишлоғида эди. У ерга бориш учун қишлоқ одамларига олислик қиларди. Бугун эса ўрталықда, барча учун маъқул жойда қурилди. Ҳозир бу иншоотни Баҳористон оилавий шифокорлик пункти Қорабуруқ филиали сифатида фойдаланишга қабул қилдик. Айни

пайтда уч мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Янги тиббиёт муассасасида беморларга кундузги стационар тартибда хизмат кўрсатишга ҳам имконият яратилган. Энг асосийси, энди одамлар биргина муолажа учун узоққа қатнаб, сарсон бўлиб юрмайди.

— Тиббиёт пункти ишга туширилиш биз учун жуда қулай бўлди, — дейди Муроодулла ака. — Олдинлари биргина



шифокор маслаҳати учун ҳам камида икки-уч соат вақт сарфлаб, такси ёки бирор машинаси бор кишига илтмос қилиб, туман марказига боришга мажбур эдик. Айниқса, кекса кишиларни овора қилиб, етаклаб юардик. Бугун эса қишлоқнинг ўртасида шифо маскани қад ростлагани мушкуланимизни анча осон қилди. Бунинг учун шу ишга қўл урган йигитга раҳмат. Шундай ишбилармон кишилар элимизда кўпайсин.

Ёш тадбиркор Дилшод Каримов қишлоғига биргина оилавий шифокорлик пункти бунёд этиш билан чекланиб қолгани йўқ. У ўтган йили яна бир йирик лойиҳага қўл урди. Тижорат банкидан икки миллиард сўмга яқин кредит олиб ҳамда ўз ҳисобидан икки миллиард сўм сарфлаб, жами тўрт миллиард сўмга янги 220 ўринли хусусий мактаб биноси барпо этди.



Бу мактаб Қорабуруқ қишлоғида бунёд этилиши чекка ҳудудлардаги ёш иқтидорларни ҳам рўёбга чиқаришга замин яратади.

Иш бошлаганига икки ой бўлган хусусий мактабда ўқувчиларнинг етарли билим олиши учун барча имкониятлар яратилган. Хусусан, ўқув-методик ва лаборатория, индивидуал машғулотлар ҳамда ўқитувчилар учун алоҳида хоналар қилинган. Икки қаватдан иборат мажмуада 220 ўқувчи 5-синфдан бошлаб таълим олишига зарурий шароитлар муҳайё қилинган.

— Мактабимиз амалий фанларга ва хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган, — дейди Дилшод Каримов. — Ҳозир малакали ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинмоқда. Бу жараёнлар яқунланган, тўлиқ тарзда ўқув машғулотлари бошлаб юборилди.

Бинонинг иккинчи қаватида Чироқчи туманидан Германияга ишга бориш учун тил ўрганиш истагида бўлган юз нафар ёш уч ойлйк ўқув курсларида иштирок этмоқда. Улар мажмуамиздан бепул фойдаланиши учун муайян муддатга кели-

шиб олдик. Мактабимиз ёшларнинг билим олишига, тил ўрганишига ёрдами тегаятганидан курсандимиз. Бу йил мактаб биносини қуриб олдик. Келгуси йилда эса олисдан қатновчи ўқувчилар учун ётоқхона барпо этишни режалаштиряпмиз. Мақсадимиз — бу ерда билим олаётган ёшлар ҳеч бир муаммога дуч келмай, фақат ўқишга вақт сарфласин.

Жорий йилнинг январь ойидан таълим жараёнилари бошланган ушбу мактабда ҳозирча битта синф шакллантирилиб, машғулотлар ўтилмоқда.

Бир пайтлар шундай шинам ўқув бинолари чекка қишлоқ ҳудудларида барпо этилиши хаёлимизга ҳам келмасди. Юртимиздаги ислохотлар натижасида ёш йигитлар ишбилармон бўлиб, бугун мактаб қурапти.

Ёш тадбиркорнинг ташаббуси билан нафақат 220 ўқувчи билим олиши учун етарли имконият яратилди, балки юзга яқин кишининг бандлиги таъминланди ҳам.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Инсон қадри учун

Тўрт аср муқаддам туғилган
Аждодингизни аниқлаш мумкин

Республика суд экспертизаси маркази
фаолиятига бир назар



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Дам олиш кунлари телевизордан жиноятчиликка оид бир кўрсатувни кўриб қолдим. Тафсилотларига тўхталмайман. Мени ҳайрон қолдиргани, икки йил олдин содир этилган қотиллик турли сабабларга кўра, очилмай қолиб кетган. Орадан икки йил ўтиб, бир сабаб билан кўшнингнинг молхонасидан одам устихонлари солинган қоп топилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда турли саволлар туғилади. Бу устихонлар кимга тегишли, у қачон вафот этган, агар жиноят содир этилган бўлса, буни ким қилган?

Албатта, томошабинга ҳам бу қизиқ. Энди устихонларнинг тегишлилигини қандай аниқлаш мумкин? Назаримда, буни аниқлашнинг иложи йўқ, деган фикр кўпчиликнинг кўнглидан ўтган. Шунда Хадича Сулаймонова номидagi Республика суд экспертизаси маркази бўлими мудири мазкур жараёнинг қандай кечишини шарҳлаб берди. У суд экспертизаси ходимлари томонидан бир ой давомида бу устихонлар кимга тегишли экани, қотиллик қачон, қарерда ва қандай содир этилгани, жинси ва бошқа қўп-лаб муҳим жиҳатлар аниқланганини билдирди.

Кўрсатувни кўра эканман, бизда бу соҳада кейинги йилларда туб янгиланишлар кечганига амин бўлдим.

Тан олиш керак, мустақилликдан олдин ҳам, кейинги йилларда ҳам халқимиз узок йиллар суд-ҳуқуқ тизимидан ҳайқиб яшади, оддий одамлар адолатсизликдан кўп азият чекди. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар тизимдаги коррупция, манфаатлар тўқнашуви, таниш-билишчилик қурбони бўлди.

Суд мажлислари тор хоналарда ўтди, суд экспертизаси хулосалари эса “қоронғи лаборатория”ларда ёзилди. Ноҳақ ҳукмлар ўзгартирилмади. Фикрлар, далиллар, ҳақиқат бўғилди. Шу тариқа одамларда давлатга, тузумга ишонч йўқолди. Бу ҳолат оддий фуқаролар қаддини букиб қўйди.

Айни манзаралар мамлакат суд-ҳуқуқ тизими жиддий ислохотларга муҳтож бўлганидан ишора эди. Ниҳоят 2016 йилдан бу тизимда ҳам жиддий ўзгаришлар кузатила бошлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ўз номига яраша тизимга айлантириш мақсадида соҳани тубдан ислох қилишга киришилди. Бу жараёнда қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди, қонунчиликка жиддий ўзгарттиришлар киритилди.

Бугун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар том маънода халқчил тузилмага

айланди. Одамларнинг одил судловга ишончи янада ортди. Ҳақиқат излаган минглаб фуқаролар мақсадига эришди.

Суд экспертизаси қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиёда биринчилардан иш бошлаган, 70 йилдан ортиқ вақт давомида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга кўмакчи бўлаётган Хадича Сулаймонова номидagi Республика суд экспертизаси маркази учун ўтган йил самарали бўлди.

Марказ 2023 йилда 3 миллиондан ортиқ объект бўйича тадқиқотлар ўтказиб, 37 мингдан зиёд экспертиза хулосаси берди. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ соҳага талаб ортганидан далолат.

Кейинги беш йилда соҳани янада ривожлантириш мақсадида Президентнинг учта қарори, битта фармони қабул қилинди. Бу эса соҳадаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, суд экспертизаси кадрлари касбий малакасини ошириш, тизимни замонавий, юқори аниқликдаги таҳлил воситалари билан жиҳозлаш, суд экспертизаси жараёнида адвокатлар ва нодавлат суд экспертлари иштирокини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда суд экспертизасида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш борасида салмоқли ишлар қилинди. “Суд экспертизалари ҳисоби”, “Электрон таълим платформаси” тизимлари жорий этилди.

Аҳоли ва ваколатли органларга суд экспертизаси фаолиятига доир маълумотлар етказиш, ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлашга мўлжалланган “Е-ekspertiza” ягона электрон ахборот тизими йўлга қўйилди.

Бу, ўз навбатида, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали суд экспертизаларини ўтказишга сарфла-надиган вақт қисқариши, экспертиза тайинловчи органлар билан экспертлар ўртасидаги ўзаро ёзишмалар электронлаштиришга замин яратди. Суд экспертизаси ташкилотлари ўртасида ягона услубиёт шаклланди ва бир хил иш юритила бошланди. Бундан ташқари, статистик ҳисоботлар ва маълумотлар тезкор шакллантирилишига эришилди.

Мазкур электрон тизим ишга тушиши билан судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд экспертизаси ташкилотларининг ўзаро ҳужжат айланиши ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлашда ижобий натижалар кўзга ташланди. Шунингдек, суд экспертларининг иш жараёни енгиллашди, ортиқча вақт ва қўғоз исрофгарчилигининг олди олинди. Шу билан бирга, экспертиза натижалари ҳақида тезкор хабар бериш, тўловлар учун электрон шартномалар олиш ва бошқа бир қанча қулайликлар яратилди.

Давр ўзгармоқда, технологиялар, ахборот олиш ва тарқатиш, жиноят, ҳуқуқбузарликлар турлари ҳам кўпаймоқда. Бу эса суд экспертизаси олдида янги вазифалар қўймоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида ҳам суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш ва фаолиятида очиқлиқни таъминлаш орқали одил судловга эришиш



даражасини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон манфаатлари, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш каби қатор вазифаларни бажариш доирасида суд-ҳуқуқ тизимининг ажралмас, муҳим бўғинларидан бири — суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қатор вазифалар белгиланган.

Янги таҳрирдаги Конституцияда агар шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги

Суд-тергов органлари, фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида Самарқанд ва Хоразм вилоятларида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси йўлга қўйилди.

кафолатлаб қўйилди. Бу эса суд экспертизаси ташкилотларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни фош этишдаги масъулияти ва ролини янада оширади.

— Президентимизнинг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлilдир, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидagi Республика суд экспертизаси маркази директори Акрам Халилов. — Фармон билан Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди. Унинг асосий мақсади халқаро норма ва стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишончли суд экспертизаси хулосаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, суд-экспертлик фаолиятини тизимли такомиллаштириб бориш, барқарор ва илмий талабга жавоб берадиган суд экспертизаси тизимини шакллантириш, суд жараёниларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш ҳамда суд экспертлари ҳолислиги, мустақиллигини таъминлашдан иборат.

Концепция билан 2021-2023 йилларда бажариладиган ишлар юзасидан тасдиқланган “йўл харитаси”га кўра, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, суд-экспертлик амалиётини кенгайтириш ҳамда суд экспертизаларининг сифати ва ишончилигини ошириш, соҳага оид илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, кадрлар салоҳитини мустаҳкамлаш, нодавлат суд экспертизаси институтини ҳамда халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, соҳанинг

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби устувор йўналишларда зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Бунда, аввало, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Фармон билан Республика суд экспертизаси маркази тузилмасида Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Институтда ҳар йили камида 15 та илмий-тадқиқот ишини амалга ошириш, суд экспертизаси муассасаларига илмий-услубий кўмак кўрсатиш, услубий қўлланмаларни танқидий кўриб чиқиш ва амалиётни уйғунлаштириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

Ана шу мақсадда марказ ҳузурида юридик фанлар бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражалари берувчи илмий кенгаш тузилди. Кенгашда жиноят процесси, криминалистика, тезкор қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича илмий ишлар ҳимояларини ўтказишга рухсат берилди. Институт ҳузурида мустақил иланувчилар ва таянч докторантура институти жорий этилди.

Бундан ташқари, марказ томонидан ҳозир ирсий касалликларга мойиллик, этногенетик ва этник келиб чиқишнинг аниқлаш, ҳайвонлар ДНКси юзасидан тадқиқотлар ўтказиш, спорт генетикаси тадқиқотлари, генетик жиҳатдан ўзгартирилган организмлар экспертизаси, ашёвий далиллардан биологик изларни аниқлаш борасида ҳам илмий изланишлар қилинмоқда.

Давлат ва нодавлат суд экспертизаси ташкилотларига шартнома асосида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш ҳуқуқи берилди. Мазкур янгиланган жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда суд экспертизасидан кенг фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Ҳозир юртимизда 25 дан ортиқ нодавлат суд экспертизаси тадқиқотлари юритмоқда. Шунингдек, иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда адвокат суд экспертизаси ташкилотларида шартнома асосида экспертиза ўтказиш ташаббуси билан чиқишга рухсат берилди. Мазкур ҳуқуқ одил судловни амалга оширишда томонларнинг тортишуви, мустақиллиги ва қонун устуворлиги принципларини таъминлаш мақсадида суд ва тергов органларидан мустақил равишда экспертиза тайинлаш орқали адвокатларнинг иш самардорлигини кучайтиришга замин яратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги қарори билан суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низоом тасдиқланди. Ҳукуматнинг тегишли қарорига асосан, дуал, таълим принципи асосида суд экспертларини қайта тайёрлаш тартиби ҳам белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан суд экспертлари фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаб бориш талаби белгиланиши бу борадаги ишларни янада жонлантирди.

Суд экспертларининг малакаси ва ҳуқуқий билимини замон талаблари даражасида ошириш мақсадида ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилгани соҳада кадрлар фаолияти самардорлигини яхшилашда

муҳим омил бўлмоқда. Аҳамият-лиси, бу ерда нафақат давлат суд экспертизаси муассасалари, балки янги ташкил этилаётган нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари экспертлари ҳам қайта тайёрланмоқда ҳамда малакасини оширмоқда.

— Мазкур ўқув марказининг асосий мақсади Адлия вазирлиги тизимидаги ҳамда бошқа давлат ва нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари экспертларининг касбий малакаси ва ҳуқуқий билимини оширишдан иборат, — дейди Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази мудири Санжар Қудратов. — Соҳада кадрларни тайёрлашда дуал таълим принципи татбиқ этилиши суд экспертларини бевосита олий таълим муассасаларида касбий тайёрлаш имкониятини яратяди.

Суд экспертлари ҳар икки йилда малакасини ошириб боради. Бундан ташқари, ҳар йили 10 нафар эксперт хорижий давлатларда малака ошириб келмоқда.

Ўқув марказида малака ошириш курсларидан ташқари қайта тайёрлаш курслари ҳам йўлга қўйилган.

— Ўтган йили бир қатор янги, замонавий жиҳозлар олинди, — дейди лаборатория мудири Асильбек Норматов. — Хусусан, яқинда олиб келинган аппаратимиз саккиз хил ранг бўйича генотипларни аниқлаш имкониятини беради. Бу, ўз навбатида, кўпроқ генетик маркерларни аниқлаш, деградиацияга учраган ДНК намуналаридан ҳам яроқли натижа олишни таъминлайди. Мисол учун, айни пайтда бир асрли суяк намуналарини тадқиқотини ўтказганимиз ва яроқли натижаларга эга бўлдик. Бизга фуқаролардан биологик оталик, оналик ёки ўзининг яқин ва узок қариндошлик масалаларини аниқлаш бўйича қўп-лаб мурожаатлар бўлади. Бу жиҳоз ана шу масалаларни ҳам ечишга ёрдам берамқда. Ота ёки она йўналиши бўйича шажарани аниқлаб бериш имконимиз бор. Амалиётимизда 1640 йилда туғилган одамнинг 250 дан ортиқ эркак авлодини аниқлаган ҳолат ҳам бўлди.

Албатта, бундай изланишлар қилиш ва натижага эришиш учун махсус жиҳозланган лабораториялар керак. Биргина ўтган йили

иқтисодий экспертиза йўналишларини очиб режалаштирилган.

Қаерда яхши шароит яратилса, иш сифати ва натижадорлик ортади. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали экспертиза тадқиқотларига бўлган эҳтиёжларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда суд-компьютер-техник, суд-автомобиль йўллари, суд-электротехника, суд-психологик, газ ва электр техникаси объектларининг портлаш техник экспертизаси, радиотехника экспертизаси каби янги экспертиза турлари йўлга қўйилди. Натижада марказда амалга оширилаётган суд-экспертизаси турлари 44 тадан 57 тага, мутахассислик йўналишлари 91 тага етди.

Марказ лабораториялари ISO/IEC 17025 халқаро стандарти бўйича аккредитациядан ўтказилиб, мувофиқлик сертификати эга бўлди. Мазкур аккредитация тадқиқотларини халқаро стандартлар даражасида амалга ошириш ҳамда лаборатория томонидан берилган хулосалар халқаро миқёсда тан олинishiга, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро судларда ҳам ишончли ҳимоя қилинишига олиб келади.

Соҳада илк мартаба суд экспертизасини стандартлаштириш бўйича техник қўманда ташкил этилиб, марказ МТК-545 Суд экспертизасини стандартлаштириш бўйича давлатлараро кенгашга ҳамда ИСО/ТС 272 “Форенсик сайнс” халқаро техник қўмитасига аъзоликка қабул қилинди ва унинг 19-кузатувчисига айланди. Булар эса соҳага халқаро стандартларни жорий қилиш имкониятини янада оширади.

Ўтган йили Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган Осиё суд экспертизаси тармоғи ялпи йиғилишида Ўзбекистонда суд экспертизаси соҳасида кечаётган ислохотлар ҳамда марказ фаолияти тақдимот қилинди. Марказ



марказда 3 та ана шундай лаборатория ташкил этилди ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Суд-тергов органлари, фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида Самарқанд ва Хоразм вилоятларида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, аноним мурожаат қилган шахсларни махсус белгилар билан қайд этиш орқали экспертиза тадқиқотидан ўтказиш ва мутахассис фикри бериш йўлга қўйилди. Бу эса мурожаатчи шахсига доир маълумотлар ошкор бўлмаглигини таъминлаган ҳолда, яъни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотлар ўтказилишини таъминлашга имкон яратяди.

Жорий йил Сурхондарё вилоятида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси, Фаргона вилоятида материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси ҳамда суд-ёнгин, суд-электротехника, суд-лингвистик, суд-филология, суд-фонография ва суд-компьютер-техник экспертиза йўналишлари, Қорақалпоғистонда суд-ёнгин, суд-электротехника, суд-лингвистик, суд-филология экспертиза йўналишлари, Хоразм вилоятида суд-хатшунослик ва ҳужжатлар техник экспертизаси, Бухоро вилоятида суд-лингвистик, суд-филология, суд-товаршунослик ва суд иқтисодий экспертизаси, Самарқанд вилоятида суд-фонография ва суд-компьютер-техник, суд-ёнгин ва суд-электротехника, Жиззах вилоятида суд-хатшунослик ва ҳужжатлар техник экспертизаси, Наманган вилоятида суд-товаршунослик ва суд

тармоқнинг тўлақонли аъзоси сифатида рўйхатга олинди. Шунингдек, Жаҳон суд экспертизаси халқаро уюшмасининг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган ялпи анжуманида марказ делегацияси самарали иштирок этиб, уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Марказнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ҳамда ушбу ташкилотлар ишида иштирок этиши бир қатор имкониятлар яратяди, албатта.

Жумладан, AFSN ва IAFSra аъзо давлатлар билан суд экспертизаси соҳасида янги инновацион маълумотлар алмашиш, тизимдаги муаммо ва уларнинг ечимлари бўйича фикр алмашиш, марказда ўтказилаётган суд экспертизаси тадқиқотлари, услублари ва стандартларини замонавий талаблар асосида қайта қўриб чиқиш, аъзо давлатларнинг суд экспертизаси муассасаларида малака ошириш, стажировка ўқув курсларини ташкил этиш, АФСНнинг 9-та техник ишчи гуруҳи ва Сифат кафолати ва стандартлар қўмитаси ишларида иштирок этиб, суд экспертизаси соҳасини янада ривожлантириш имконияти яратилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун соҳа замонга ҳафнафас ривожланмоқда. Уни янада такомиллаштириш, сўнгги технологиялар билан таъминлаш, тўпналган материаллар ва таҳлилларни солиштириш одил судловни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, бу соҳа ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун ҳар қандай масалада чуқур изланишлар орқали далилларни текширадиган, инкор қилиб бўлмайдиган фактлар очирилишига ёрдам берадиган тизимдир.



Янги тажриба



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
шарҳловчи

Жойларда қуёш панеллари ўрнатиш бўйича ишларни янада кенгайтириш, аҳолининг “яшил энергия”дан фойдаланиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги инновацион ёндашувлар янги имкониятларни юзага чиқаради.

Шу боис, жорий йил 28 февраль кунги Президентимиз раислигида қайта тикланувчи энергия манбаларини қўпайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда бу мақсадларга эришиш учун қўшимча 50 миллион доллар ресурс ажратиш, хорижий инвесторлар билан музокаралар ўтказиб, яна 100 миллион доллар жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Тадбиркорларга қуёш энергиясидан фойдаланишдаги манфаатдорлигини ошириш учун қўшимча энгилликлар яратилиши белгиланди. Жумладан, қуёш панели, инвертор ва аккумуляторларни импорт қилишда божхона имтиёзлари яна беш йилга узайтирилди.

Электр истеъмоли юқори бўлган қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ичимлик сув таъминоти корхоналарида “яшил энергия” қувватларини қўпайтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар уларни изчил тақомиллаштириб боришни, янги ёндашувларни кун тартибига қўймоқда. Масалан, қишлоқ ҳўжалигида қуёш панелларини ўрнатиш, яъни “агровольтайка”дан фойдаланиш икки қарра манфаат келтиради. Томга ўрнатилган панеллар электр қуввати билан таъминласа, унинг остидаги ерга экин экиб, ҳосил олиш мумкин бўлади.

Олимлар таъбири билан айтганда, агровольтайка ёки “қуёш ферма”лари — бу қуёш панеллари қишлоқ ҳўжалиги участкаларида ёки экинлар устида ўрнатиладиган, бир вақтнинг ўзида электр энергиясини ишлаб чиқарадиган ва экинларни ноқулай об-ҳаво, қуёшнинг зарarli нуруларидан ҳимоя қиладиган, бутланиш-ни камайтириб, уларнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратадиган комбинациялашган тизимдир.

Бу тажриба хорижий мамлакатларда аллақачон ўз самарасини бермоқда ва юртимизда ҳам ўрганилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда 10 гигаваттли агровольтайка салоҳияти мавжуд.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини қўпайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда мутасаддиларга жорий йилда 6 та туманда агровольтайка усулида пилот лойиҳаларни бошлаш топширилди. Бунинг учун халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, энергия сарфи юқори бўлган соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиши белгилан берилди.

Эътироф этиш жоиз, 29 февраль кунги Президентимизнинг Хоразм вилоятига таширифи чоғида Франциянинг “Vollatia” компанияси томонидан қуввати 100 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди. Бу воқеадаги илк шундай йирик лойиҳа ҳисобланади. Унинг натижасида йилга 254 миллион киловатт-соат “яшил энергия” ишлаб чиқарилади. Бу эса Хоразм вилояти йиллик электр энергияси истеъмолининг 11 фоизини қоплайди. Ушбу станцияни йил якунигача тармоққа улаш режалаштирилган.

Умуман, бу лойиҳа ишга тушса, Хоразм вилоятида электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати 30 фoиз oшиб, 424 мегаваттга eтади. Хусусан, Тупроққалъа туманининг электр қувватига бўлган йиллик 135 миллион киловатт-соат талаби тўлиқ қондирилади. Истеъмоладан oртган 40 фoиз энергияни қўшни туманларга узатиш мумкин. Бу билан яна 85 минг хонадонни электр энергияси билан барқарор таъминлаш имконияти пайдо бўлади. Бинобарин, уни амалга ошириш oрқали 76 миллион куб метр табиий газ тежалди, атмосферага 106 минг тонна зарarli моддалар чиқишининг олди oлинади.

Яна бир эътиборли томони, мазкур лойиҳа доирасида илк бор агровольтайка тажрибаси қўланади. Яъни қуёш панеллари остида энергия ва қишлоқ ҳўжалигини бирлаштириш усули асосида сабзавот ва полиз экинлари етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги қўққиррали ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, инвестор ва муҳандисларга миннатдорлик билдирди.

— Барчангизни нафақат Хоразм вилояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётига янги руҳ ва нафас олиб қирадиган мана шундай янги қувватлар билан табриклайман, — деди Президентимиз.

Хорижий тажриба

Агровольтайка ғояси 1982 йилда немис олимлари А.Гетцбергер ва А.Застро томонидан қуёш станциялари жойлашган майдоннинг ўзида улардан ҳосилдорлиқни оширишга ёрдам берувчи восита сифатида илгари сурилган. У экинларга қуёқ соя тушишининг олдини олиш



мақсадида қуёш коллекторларини ердан икки метрга кўтариш ва улар оралигини кенгайтиришни назарда тутди. Бу, айниқса, аҳоли тизги злайдиган ёки ерлар чекланган ҳудудларда қуёш энергияси имкониятларидан самарали фойдаланиш, кичик экин майдонида электр энергияси ишлаб чиқаришда қўл келади.

Масалан, олимларнинг ҳисоб-китобича, Хиндистонда амалга оширилган лойиҳа туфайли 34 минг гектар узумзорда қуёш панелларининг қуввати 16 минг ГВт/соатни ташкил этиб, бунинг натижасида 15 миллион аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қопланади. Бунда 1 гектар жойда ишлаб чиқаришдан 0,47 ГВт/соат электр қуввати 500 кишини таъминлашга хизмат қилиши инноватга олинган.

Ўз навбатида, ушбу услуб қурғоқчил ҳудудларда етиштириладиган қишлоқ ҳўжалиги экинларини кучли радиация нуруларидан асраш ва сув йўқотилишининг олдини олишда ҳам асқатади. Чунки илмий тадқиқотлар экинларни офтоб нуридан меъёрида сақлаш ердаги намлик кўтарилишини 40 фoизга камайтиришини ва сувни тежаш имконини беришини амалда кўрсатди, ҳосилдорлик эса 70 фoиз oшган.

2004 йилда Японияда бир қатор ихчам агровольтайка — APV корхоналари пайдо бўлди. Бу тизим уч метр oралиқда тикланган таянч устунлар устига ўрнатилган фoтoэлектр панелларидан иборат бўлиб, улар остида бақлажон, помидор, бодиринг, қарам қаб иеъматлар етиштиришга киришилди. Тажриба самарасидан келиб чиққан ҳолда, 2013 йилдан бошлаб беш йил мобайнида давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан 1900 дан oртиқ қуёш фермалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ана шу даврда ва ҳозирги кунда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг ўнлаб мамлакатларида бу тажрибадан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу борада АҚШ, Франция, Хитойда қилинаётган ишлар намуна бўла олади. Хусусан, Францияда Агровольтайка уюшмаси фаолият

юритади. Асосий мақсад мазкур технологиянинг одамлар ва ҳoқимият учун маффаат келтиришини қўллаб-қувватлаш, уни кенг ёйишдан иборат. Айтиш жоиз, мамлакатда агровольтайкадан фойдаланишнинг стандарт талаблари ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

АҚШнинг Аризона сaҳpocида ўтказилган тадқиқотлар қуёш панеллари остида бир қатор экинлар етиштириш сув сарфини 30-50 фoиз камайтиришини амалда иcбoтлаган. Чунки соя салқин ҳаво ҳарорати ва кўпроқ тупроқ намлиги бўлган қулай микроклим яратади, бундай ҳoлaтда сув қамроқ бугланади. Натижада фермерларда экин етиштириш учун сувга эҳтиёж камаюди, бу кам ёки нoтайин ёгингарчилик мавсумида ўта зарур. Бундан ташқари, қурғoқчил шарoитда тупроқ унумдорлиги яхшиланади ва йил давомида юқори ҳoсил олиш имкони юзaга кeлaди.

Хитойда эса бу технологияни тaтбиқ этишнинг қўлами ва қaмpови кaтгa. Айни пaйтда энг йирик саналган, қуввати 700 МВт. бўлган APV технологияси 2017 йилда Нанси автоном ҳудудидa ўрнатилган. Ҳoзиргa кeлиб, унинг қуввати 1 ГВтгa eтказилaпти.

Лойиҳа ижрoчилари бўлган “Baofeng Group” ва “Huawei” компаниялари мутахассисларининг қайд этишича, қуёш панелларининг ишлаш жараёни худди офтоб нури ортидан интилувчи кунгабоқарликка ўхшаб кетади. Бу фoтoэлементлар самарадорлиги ва электр қуввати ҳoсил қилиш генерациясини оширади. Қарийб уч метр бaлaндликда ўрнатилган қуёш панеллари дaлaдa ҳoсил етиштириш ва уни йиғиб олиш ишларига ҳaлaқит бeрмайд

Мaълумoтларгa қaрагaндa, лoйиҳa якунигa eтгaч, у йилгa 557,6 минг тонна қўмир ёқилишини тежаш, ҳавoгa 2 миллион тоннагa яқин зарarli моддалар ва чaнг тaшланишининг олдини oлади. Ҳoсилдорлик салмоғи эса тoбoрa oртиб бoрмoқдa.

2022 йилгa кeлиб, APVнинг жaҳoн бoзopидaги ҳaжми 3,17 миллиард долларни тaшкил eтди.

Бу микдор йилгa 12-15 фoизгa ўcиб, 2030 йилгa бoриб қарийб 9 миллиард долларгa eтиши кyтилиaпти. Бoшкa мaнбaларгa кўрa, 2027 йилгa қaдap янги тизимнинг ўртaчa йиллик ўcиши қарийб 40 фoиздaн кaм бўлмаслиғи мумкин.

Айни чоғда олиб бoрилaётган тадқиқoтлар APVни қўллаш туфaйли қуёш нyрининг тўcилиши турли қишлоқ ҳўжалик экинлари парваршида жyгpофий ва иқлимий шарoитларни инoбатгa олиш лoзимлигини кўрсaтмoқдa. Миcол учун, қуёш нyрининг 20 фoизгa кaмайиши гyруч ва бyғдoй ҳoсилдорлиғи шyнчa фoиз пaсайишигa oлиб кeлган. Кaртoшкa eтиштиришдa эcа, аксичнa, ҳoсилдорлик oшган. Кyрғoқчил иқлим шарoитида ўтказилган тажрибaлар қуёш нyри тўлa тўcилганигa қaрaмaй, унинг oстида eтиштирилган помидор ҳoсили 25-26 фoиз кўп бўлган.

Лекин бaрибир офтоб нyрининг юқори дaрaжaдa тўcилиши (50-75 фoиз) экин ҳoсилдорлиғига салбий тaъcир кўрсaтган. Шу бoис, Хитойнинг Чжэцян университети профессори Юэ-Ронг Лян: “Эътибор қилиш керак бўлган энг мyҳим нaрсa экин турларидир”, дeйди.

АҚШнинг Брукнингc институти ҳисoбoтигa кўрa, қуёш энергияси ишлаб чиқариш бoрилиғи қўмир ён табиий гaздa ишлайдиган электр станцияларига қaрагaндa кaмида 10 бaрoбар кўпpоқ жой талаб қилиши мумкин. Нaтижaдa дeҳoнчилик ўcиш қaмpoқ eр қoлaди ва фермерларгa бу усул ёқмаслиғи тaйин. Уларгa атмосферага қaмpoқ yтлepoд чиқарадиган электр олиш усули керак. Аммо экинлар учун ҳам ер зарур. Шундай бир шарoитдa oзиқ-ovқaт ишлаб чиқариш учун энергия қувватини йўқoтиш мyаммoгa айланади.

Ердан бaлaндaгa ўрнатилган панеллар бу мyаммoни ҳaл этишнинг ҳoзирги пaйтдаги oқилона eчимларидан бири ҳисoблaнaди. Чyнки бу технология қишлоқ ҳўжалиғи ва энергия ишлаб чиқаришни бир вақтдa тaшкил этишни ўзидa уйғунлаштиради.

Ўзбекистон шароитида бу тизим қандай имкониятларга эга?

Ўзбекистонда иқлим шарoити ва қуёш энергетикаси салoҳиятини ҳисoбгa олган ҳoлдa, агровольтайкани ривожлантириш қишлоқ ҳўжалиғи ва экологик барқарорлиқни таъминлашнинг мyҳим истиқбoлли имкoниятларидан бири ҳисoблaнaди.

— Мамлакатимизда агровольтайкадан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга, — дейди эксперт Шаҳзоод Шухратбеков. — Биринчидан, диёримиз ўзининг қуёшли иқлими ва қишлоқ ҳўжалиғи ҳудудлари туфайли юқори офтоб энергияси салoҳиятигa эгa. Қуёш фермаларини жойлаштириш учун ушбу ерлардан фойдаланиш электр қуввати ишлаб чиқаришни оширади, қўмир ва газ қаб и анъанавий энергия манбаларига қарамлиқни камайтиради.

Иккинчидан, агровольтайка қишлоқ ҳўжалиғи учун бир қанча имкониятлар яратади.

Далаларга қуёш панелларини ўрнатиш ўсимликлар учун соя ва ҳимояни таъминлайди, бу, айниқса, юқори ҳарорат ва қуёш нури экинларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иссиқ ҳудудларда мyҳимдир. Шунингдек, агровольтайкадан фойдаланиш аграр тармоқда сув сарфини камайтиради, чунки бугланиш камаюди ва тупроқдаги намлик сақланиб қолади.

Яна бир жиҳати, унинг чорвачилиқда қўлланилиш “яшил” майдонларни кенгайтиради, чўлу биёбонларда боқилаётган чорва моллари учун табиий oзyқa ерларини ҳoсил қилад

Учинчидан, агровольтайкани ривожлантириш қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш ва инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилад

Қуёш фермаларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш энергетика, қишлоқ ҳўжалиғи мутахассислари ўртасида ҳамкорлиқни талаб қилад

Айни пайтда Ўзбекистонда агровольтайкани тaтбиқ этишгa доир қaтoр лoйиҳaлар амалгa oширилмoқдa. Утган йили Тошкeнт вилоятида узумзорда ўрнатилган тажрибавий лойиҳа ана шулардан бири саналади. Унинг доирасида 10 гектар майдонга қуввати 1 МВтга тенг бўлган қуёш панеллари ўрнатилди ва улар остида узум етиштирилди.

Яқин истиқболда бу тажрибани янада кенгайтириш чоралари қўриляпти. Юқорида қайд этилганидек, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўпайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда жорий йилда 6 та туманда агровольтайка усулида пилот лойиҳаларни бошлаш вазифаси топширилди.

Мазкур технологияни барқарор ривожлантириш бир қатор ишларни амалга оширишни ҳам кун тартибига қўймоқда. Энг аввало, агровольтайкага воситаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишни тартибга солишни ўзида мўжассам этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш зарур. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарори тайёрланётгани аини мўддао бўлмоқда.

Табиийки, ушбу ҳужжатда янги тажриба давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, агровольтайкани жорий эътаётган фермерларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш, технологиянинг самарадорлиги ва манфаатдорлигини ошириш мақсадида олиб бoрилaётган тадқиқoтларни давом eттириш учун зарур илмий-амалий шарoит яратиш қaби мaсaлaлар ҳам ўз ифoдaсини тoпaди.

Томорқа — хазина

Бухоро туманидаги Работак маҳалласида яшовчи Бешим Аҳмедов томорқасидан яхшигина даромад олаётган хонадон эгаларидан бири. У қарийб 20 йилдан буён телекоммуникация боғламаси корхонасида ишлайди. Шу билан бирга, 10 сотих томорқасидан ҳам унумли фойдаланиб келмоқда. Ҳозир томорқасининг олти сотихига картошка, тўрт сотихига саримсоқпиез, пиез ва исмалоқ эккан.

— Ҳовлимизнинг бир қаричи ҳам бўш турмайди. Турли мевали дарахтлардан тортиб, полиз экинларини кўкатларгача ўзимиз етиштирамиз. Ўзгoрдaн oртгaнни бoзopдa сoтaмиз. Мeҳнaтими хoнaдонимизгa бaрaкa бўлиб кирапти, — дeйди Бeшим Aҳмeдoв.

— Имтиёзли кредит олиб, томорқа учун мўлжалланган кичик техника воситалари харид қилмоқчи эдим, яқин кунларда бу режам амалга ошад

савбзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиради. Томорқасидан ортирган даромади эвазига 4 фарзанди олий маълумотли ва ўйли-жойли бўлди. Улар халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилмоқда. Ерга меҳр берган одам учун она замин ҳам хазинасини очади, деган гап бежиз айтилмаган. Бутун оиласини биргана томорқа орақсидан келадиган даромад билан боқиш учун ҳам ҳаракат қилиш керак.

— Нафақага чиққан, бутун кучини яна шу иссиқхонага қаратдим. “Иссиқхонадан тўрт марта ҳосил олса бўлади”, дейишганида ишонмагандим, аммо уйдalas бўларкан. Фақат меҳнат билан. Утган йили буни шахсан ўзим тажриба қилиб кўрдим. Саримсоқпиез экиб, 9 миллион сўм даромад олдик, ортидан бодиринг эдик. Ундан кейин картошкa, кaртoшкaдан бўшaгaн eрдa янa кўкaт eтиштирдик. Хўллac, бир йилдa 80 миллион сўмгa яқин соф фoйдa oлдик.

Меҳр бeриб ҳaрaкaт қилинac, мeҳнaтнинг тағи рoҳaт. Бyгyнги кyндa oдaмлар eрдaн фoйдaлaниш вa мўмaй дaрoмaд oлиш ҳaдиcини яхши олган.

Лaзиз Жўрaев 33 ёшдa. У ҳaм шy мaҳaллaдa яшaйди. Ёш бўлишгa қaрaмaй, иccиқхoнaдa мaҳcулoтлap eтиштириш бўйичa мaҳaллaдa yнгa тeнг кeлaдигaни йўқ.

— 5 сотих еримизда иссиқхона қуриб, иш бошладик. Уша йили агротехникани яхши билмаганим, экин экишда баъзи жиҳатларга эътибор қаратмаганим учун ҳосилимиз унча яхши бўлмади. Кейинги йили тажрибали

иссиқхоначилар билан маслаҳатлашиб иш тутдик. Улар ўргатганидек қилиб экин эдик. Парваришини ҳам обн-тобида қилдик. Натижа чакки бўлмади. 2023 йилда баракали ва мўл ҳосил олдик, томорқамиздан 6 тонна



помидор чикди. Соф фойдаимиз 50 миллион сўмдан зиёд бўлди. Утган йилнинг сентябрь ойида етиштирган бодирингдан 3 тоннага яқин ҳосил кўтардик, даромади 30 миллион сўмдан ошди. Бу йил ҳосилдан янада кўпроқ даромад олишни кўзлаяпмиз.

Ҳа, югурган одам ҳеч қачон қуруқ қолмайди, интилганга эса толе ёр. Яхши яшайман, оиламни тўкин қиламан, деганларга қулай шароитлар яратиб берилмоқда, имкониятдан унумли фойдаланганлар эса хонадонга файзу барака олиб кирмоқда.

— Работак маҳалласида яшовчилар томорқасидан ҳар йили баракали ҳосил олади. Яқинда айнан шу маҳаллага вилоят ҳокими келиб, аҳоли билан суҳбатлашди ва хонадонлар мисолида маҳаллани “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилига их-

тисослаштириш, даромадни янада ошириш, экин турларини қўпайтириш ва йилга 4 мартагача ҳосил олишни йўлга қўйиш бўйича бир қанча кўрсатма ва топшириқлар берди, — дейди Бухоро тумани ҳокими матбуот котиби Муроджон Қосимов. — Бунда, аввало, “маҳалла еттилиги” фаоллик кўрсатиши, томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриши зарурлиги ҳам таъкидланди. Чиндан ҳам бугун одамлар ердан фойдаланиш ва мўмай даромад қилиш ҳадисини олган. Галдаги вазифа эса уларнинг бошини бириктириб, муайян мақсад сари йўналтириш.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таҳлил

РАҚАМЛИ ДАВР МУАММОЛАРИ

Уларнинг ечими замонавий ва сифатли таълимда



Шахриёр МУҲАММАДЖОНОВ,
Таълимни ривожлантириш
республика илмий-методик
маркази бўлим бошлиғи

Технология барча жабҳаларнинг ажралмас қисмига айланган рақамли трансформация даврида таълим соҳаси ҳам жиҳдий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Хусусан, COVID пандемияси, айниқса, таълим жараёнини рақамлаштириш бўйича сезиларли ўзгаришларни амалга оширишга туртки бўлди. Албатта, бир неча ой ичида таълим берувчилар ва таълим олувчилар ўртасида узлуksиз алоқа ўрнатишга қодир бўлган аниқ ва изчил тизимни яратиш деярли имконсиз.

Масофавий таълим шаклларига мослашиш жараёнида юзага келадиган асосий чекловларни бир нечта характерли жиҳатлар билан тавсифлаш мумкин: рақамли алоқа воситалари билан жиҳозлашнинг, зарур рақамли-электрон ресурсларнинг етарли эмаслиги, рақамли саводхонлиkning пастлиги, мустақил таълим олиш имконини берувчи платформалар ва бошқа манбалар камлиги, ўқув жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш тизимининг самарасизлиги ва бошқалар.

Таълимни рақамлаштириш таълим олувчилар фаоллигини ошириш, шахсга қаратилган таълим ва янги ўқитиш усулларидадан фойдаланишни ўз ичига олади. Шунингдек, рақамлаштириш таълим ташкилотига инновацияни ўқитиш усулларидадан фойдаланиш имконини беради. Бу усуллардан таълим олувчиларга мураккаб тушунча ва назарияларни тушунишни осонлаштирадиган интерактив таълим тажрибасини яратиш учун фойдаланиш мумкин. Рақамли воситалар ва платформаларни ўзлаштириш нафақат таълим имкониятларини кенгайтиради, балки рақамли муҳитда танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш ва мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Шу боис, давлат сиёсати ва таълимни рақамлаштиришга сармоя киритиш дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам муҳим.

Бу бўйича бир қатор ривожланган давлатлар тажрибасини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Турли мамлакатлардаги рақамлаштириш стратегиялари миллий хусусиятларни ҳисобга олади, лекин таълимнинг қулайлиги ва сифатини ошириш, таълим олувчиларни рақамли жамиятда ҳаётга тайёрлаш, билим ва кўникмаларини ошириш асосий мақсад

Дунё тўртинчи саноат инқилоби даврига ўтди, бу эса кўплаб фаолият турларини амалга ошириш учун олдимизга алоҳида шартлар қўймоқда. Аввало, саноат соҳаси ва умуман, иктисодиёт сектори ўзгаришларга эга бўлади, аммо малакали кадрлар тайёрламасдан бу соҳаларни ўзгартириш мумкин эмас. Глобал рақамлаштиришга эътибор қаратган ҳолда, соҳалар бўйича кадрларни тайёрлашда таълимни ривожлантириш бўйича янги стратегия ишлаб чиқиш, жумладан, ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш, таълим тизимини рақамлаштириш энг долзарб масалалардан бири, десак муболаға бўлмайди.

ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқи аҳолининг барча қатламларида рақамли кўникмани ошириш ва таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган “Рақамли таълим — 2021-2027” стратегиясини фаол амалга оширмоқда. Финляндия умумий ўрта таълим муассасаларида ўйин (геймификация)га асосланган ўқитиш усуллари ва рақамли воситалардан фаол фойдаланилади, бу эса таълим олувчиларга нафақат назарий билим, балки амалий кўникмаларни ҳам ривожлантириш имконини беради.

Эстониядаги умумий ўрта таълим муассасалари замонавий воситалар ва технологиялар билан жиҳозланган, ўқув режаларига эса бошлангич синфлардан бошлаб дастурлаш курслари киритилган. Шунингдек, барча ёшдаги таълим олувчилар учун кўплаб онлайн таълим ресурсларини тақдир қилади. Бунинг натижасида Эстония таълимни рақамлаштириш бўйича жаҳон рейтингидида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда.

Таълим соҳасидаги инновациялари билан машҳур бўлган Сингапур давлати “FutureSchools@Singapore” дастурини жорий қилди. Ушбу дастур инновацион ўқитиш усуллариини ишлаб чиқиш ва таълим

тез ўзгариб бораётган технологик дунёда ишлашга қодир ишчи кучини тайёрлашга эътибор қаратиш билан бирга, ўз таълим тизимларига рақамлаштиришни қандай мослаштираётганини кўрсатади.

Замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда барча тармоқ ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини рақамлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, ўтган йилнинг ўзида таълим, давлат бошқаруви, банк, молия, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилган. 500 дан зиёд янги IT компаниялари ташкил этилиб, соҳага 475 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция кириб келган.

Таълим муҳитини рақамли ўзгартириш Ўзбекистонда таълимни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналиш таълим сифати ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларни, масофавий ва мустақил таълимни ҳамда рақамли педагогикани ривожлантиришда қўл келади. Бундан ташқари, таълим олувчи, таълим берувчи ва ота-онанинг ёшига боғлиқ психологик-педагогик хусусиятларига



бу йўналишда таълим соҳасининг локомотиви вазифасини бажаришга киришган.

Хусусан, Марказ замонавий ва самарали таълим тизимини яратишга интилиб, рақамли таълимни фаол ривожлантирмоқда. Ушбу жараёнинг бир қисми сифатида асосий устувор йўналишлар белгиланмоқда.

Биринчи — таълимга оид ахборот тизимларини интеграциялаш ва ягона таълим платформасини жорий этиш. Асосий мақсад — барча таълим тизимидида ахборот тизимларини ўзаро, жумладан, бошқа ахборот тизимлари ҳамда виртуал лаборатория каби платформалар билан тўлиқ интеграция қилиш орқали такомиллаштириш, улардан ягона кириш нуқтаси орқали фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида рақамли таълимни ривожлантириш мақсадида ягона интегралланган таълим платформасини амалиётга татбиқ этиш.

Иккинчи — рақамли таълим ресурсларининг сифат ва самардорлигини баҳолаш. Бунда рақамли таълим ресурслари ва улардан фойдаланиладиган педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган ягона талаб ишлаб чиқилади ҳамда барча мактаб дарсликлари, жумладан, янги авлод дарсликлари рақамли шаклга ўтказилишига эришилади. Рақамли таълим ресурслари ишлаб чиқилган талаблар ва ҳалқаро стандартларга мослигини экспертизадан ўтказиш механизми йўлга қўйилади. Шу жумладан, барча рақамли таълим ресурсларининг сифат ва самардорлигини баҳолаш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш орқали мониторингини юритилади.

Учинчи — педагог кадрларнинг рақамли компетенцияларини ривожлантириш. Ушбу йўналишда педагог кадрларнинг замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион усуллари ҳамда дарс жараёнида интерфаол таълим ресурслари ва усулларидадан фойдаланиш бўйича кўникмаларини шакллантириш мақсадида рақамли компетенцияларини узлуksиз ривожлантириб бориш механизминини йўлга қўйиш, шунингдек, педагог кадрларнинг оммавий очиқ онлайн курслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ҳамда рақамли саводхонлик бўйича маҳаллий ва халқаро сертификатга эга бўлишларига кўмаклашишни ўз ичига олади.

Тўртинчи — инновацион технологиялар билан жиҳозлаш бўйича тақдирлаш ишлаб чиқиш. Мақсад умумий ўрта таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар, мультимедиа ва интерфаол таълим

ресурслари, таълим ўйинлари, виртуал лаборатория ва шу каби янги рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида зарурий техник жиҳозлар, дастурий воситалар билан таъминлаш бўйича илмий асосланган тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг электрон мониторингини юритиш тизимини жорий этиш.

Бешинчи — таълимга сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш. Жумладан, умумий ўрта таълим муассасаларида муҳитни яхшилаш, дарс самардорлигини таҳлил қилиш, вақтдан унумли фойдаланиш, буллинг (зўравонлик)нинг олдини олиш, ўқитувчиларнинг дарсдаги иштирокини психологик таҳлил қилиш жараёнини сунъий интеллектга асосланган дастурий воситага эга камералар орқали электрон мониторингини юритиш ва умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарияти автоматик равишда хабардор қилиш механизмининг жорий этишга эришиш. Таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишини ривожлантириш, шахсий таълим траекториясини аниқлаш, мослашувчан ва шахсга йўналтирилган таълимни татбиқ этишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш.

Ушбу йўналишлар доирасида марказ томонидан таълим жараёнига замонавий педагогик дастурий воситаларни жорий этиш мақсадида ҳозирги кунда кўплаб хорижий ташкилотлар ва таълим платформалари билан ҳамкорлик қилиш ва уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, мақбулларини Ўзбекистон таълим жараёнига жалб қилиш бўйича бир қатор ишларни бажаришга оид истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Марказ ва АҚШнинг Колорадо Боулдер университети корпоратив бошқарув кенгаши ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Меморандумга кўра, Колорадо Боулдер университетида тегишли Phet платформасидидаги симуляцияларни, улардан фойдаланиш йўриқномаси ва методик қўлланмаларни ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз, тоjik, туркман, рус (қардош) тилларига тўлиқ таржима қилиш, Phet билан биргаликда худудларда ўқитувчилар ва бошқа манфаатдор томонлар билан семинар, тренинг, конференциялар ташкил қилиш, янги симуляциялар яратиш ва янгилаш жараёнини ташкил қилишда иштирок этиш, ўқув дарсликларида симуляцияларга QR-код ёки бошқа воситалар орқали ҳаволалар қолдиришдан иборат.

Шунингдек, Physics Aviary платформасининг муаллифи америкалик тадқиқотчи

олим Франк Маккалли билан ушбу виртуал лаборатория платформасини ва симуляцияларни таржима қилиш ҳамда Ўзбекистон таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича келишувларга эришилди.

Ушбу жараёнларни халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант маблағлари ҳисобидан амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Физика, кимё, биология фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа махсулотларининг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик ҳузуридаги Инновация, технология ва стратегия маркази билан ҳамкорликда “Педагогик маҳорат ва таълим технологиялари (Phet, Kahoot, Nearpod)” бўйича ўзбек ва рус тилларида ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилди, табиий фанлар бўйича алоҳида қўлланмалар яратиш ҳам режалаштирилган.

Ҳозирги кунда таълимга оид электрон ресурслар 2017 йил 10 ноябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти “Электрон таълим” миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига мувофиқ ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бироқ ушбу стандартда белгиланган баъзи талаблар эскиргани, янги технологиялар вужудга келгани туфайли уни янги тахрирда ишлаб чиқишга зарурат пайдо бўлди.

Қисқа муддатда марказимиз томонидан Рақамли таълим ресурслари ва улардан фойдаланиладиган дастурий воситаларга қўйиладиган умумий талаблар ишлаб чиқилди. Талабларни ишлаб чиқишда республикаимиздаги мавжуд стандартдан ташқари 10 дан ортиқ рақамли таълим ресурсларига оид халқаро ва хорижий давлатларнинг стандартлари таҳлил қилинди.

Ушбу талаблар таълимга оид мультимедиа ва рақамли ресурсларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича ёндашувларни, умумий техник талабларни жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилди. Шунингдек, талабларни белгилаш орқали инновацион таълим ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, таълим сифати ва самардорлигини ошириш, таълимда виртуал муҳит яратиш, халқаро тарқабда қўлланаётган педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бундан ташқари, мультимедиа ва рақамли таълим ресурсларидан фойдаланиш воситаларига ҳам талаблар келтирилган бўлиб, унга кўра, ушбу воситалар LMS, онлайн курс, чат-бот (ChatGPT, Socra AI ва бошқалар) ва виртуал ёрдамчилар, симуляция ёки виртуал лаборатория шаклидаги дастурий махсулот (веб, мобил ёки компьютер иловаси) бўлиши, уни ишлаб чиқишда сунъий интеллект (AI), булутли технологиялар, геймификация, виртуал, тўдирилган ва аралаш реаллик (VR, AR ва MR) ҳамда бошқа инновацион технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, муаллифлик воситалари (Authoring tools) ёрдамида ишлаб чиқиши инноватга олинган.

Рақамли таълим ресурсларининг таълим стандарти мақсади, ўқув дастурларига мослиги, сифатини баҳолаш кенг қамровли жараён бўлиб, мазмун (контент), услубий ва технологик экспертизасини ўз ичига олади.

Таълимга оид мультимедиа ва рақамли ресурсларнинг таълим мақсадида мувофиқлиги, уларнинг самардорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш марказ томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бу йўналишлар Ўзбекистонда рақамли давр муаммоларига жавоб бера оладиган замонавий, инклюзив ва самарали таълим тизимини яратишга қаратилган рақамли таълимни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар минбари

Бугун дунёда ҳар қандай сиёсий гуруҳларнинг асосий қуроли ахборот бўлиб қолди. Эътибор берсангиз, ҳозирги низолар бир мамлакат қўшинларининг бошқа мамлакат чегараларига бостириб келиши билан эмас, айнан интернет майдонида турли иғволар уюштиришдан бошланмоқда. XXI аср — интернет асри, деб бежиз айтилмаяпти.

Жумладан, ўзбек халқи, мамлакатимиз шаънига сўнгги пайтларда айтилаётган тутуруксиз гаплар остида ҳам баъзи сиёсий режалар ётгандек, “сайраётган” тилларнинг илдири қандайдир манфур аъзоларга бориб тақаладигандек.

Ахборот шундай жодугар хусусиятларга эгаки, у оммани ўз воситалари орқали исталган нарсасга ишонтириши мумкин. Тегирилмаган фактларга эса аниқ

БЕҒАМЛИК ҲАМ ҚАРАМЛИКДИР

фактлардан беҳабар, китобга ошнолиги йўқ бўлган инсонлар иккиланмай ишонади. Минг афсуски, халқимиз орасида ҳам бундайларнинг сони ҳануз кўп экан.

Биргина мисол, яқиндагина империяпараст мамлакатнинг ерпараст вакили томонидан айтилган ўзбек халқи тарихи ҳақидаги асоссиз гапларга ижтимоий тармоқларда “Ростдан шундай бўлса-чи?”, деб ишониб ўтирган ватандошларимизни кўриб ҳайратга тушдим, бундайларга буюк тарих, шонли миллат вакили бўлиш қанчалик ярашади?

Наҳотки, умуммиллий кайфиятимизнинг дарпардалари шунчалар нозик, шунчалар тез учувчан бўлса? Наҳотки, айримларимизда эски тузум эпкинларидан нафас олиш истиғи ҳануз ўлгани йўқ?!

Шуни ҳеч қачон унутмайликки, қарамлик ҳар бир инсоннинг энг аввал ўзидан бошланади. Қалби қарамлик дардида



мубтало бўлмаган кишининг танаси ҳеч қачон жисмоний қарамликка кўникалмайди, аксинча, буни ўйлаш ҳам унинг вужудини тилкалаб ташлайди. Чунки эрксизликнинг ҳар қандай шакли ҳақиқий инсон табиятига рўшнолик олиб келмайди.

Баъзиларнинг дунёқароши ҳақида ўйлаб, чўпонлар орасида эшитганим бир услуб ёдимга тушади. Бирор чўпон ишончли қўриқчи ит сақламоқчи бўлса, ишни қўшни чўпонлардан ёши каттароқ ургочи ит олиб келишдан бошлар экан. Бироқ унга қўйларини бутунлай ишониб ташлаб кета олмас, шунга қарамай, яхши едирди, яхши қарар экан. Сабаби, у бундан олдин бошқа ерининг “ҳавосини олган”, агар шароит у ердан ёмон бўлса, кетиб қолиш хавфи юқори бўлар экан. Ҳақиқий садоқатли чўпон итни ана шу итнинг боаларидан тарбиялар ва уларга чорвасини бемалол топшира олар экан. Шунингдек,

унга онасига қилингани каби эътибор қилишнинг ҳам ҳолати қолмас экан. Ахир у тугилибқ кўрган макони шу ва бундан яхшисини умрида кўрмаган. Кўрмаган бўлса, қаерга ҳам кета олар эди?!

Чўпонларнинг мазкур усулини нега эсладим? Сабаби, биз ҳам бошқаларнинг берган қандага учиб, деворимиздаги миҳга илинган талқонимизга ношукрлик қилмайлик. Уларнинг услуби билан чўпонларнинг услуби орасида фарқ йўқ — келажак авлодлар эркиннинг уволига қолиб кетмайлик.

Чегаралари, чегараларидаги посбонлари, тупроғию деҳқонлари, ёмғирлари, қорлари, яхши-ёмон — барча инсонларни — ҳамма-ҳаммаси фақат ўзимизники. Шундай экан, ота-боболаримиз не машаққатлар билан поклаган бу тупроқни нопок қадамлардан ҳимоя қила олмасак, бу биз учун уят эмасми?!

Дўстларим, тилдошларим, ҳаводошларим, Ватан ҳимояси ҳақида гап кетар экан, хоҳ интернет бўлсин, хоҳ ҳаётда бўлсин, уни ҳимоя этмайлик, тилимизни ютиб яшашдан ҳам доим уялайлик!

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янеи Ўзбекистон” муҳбири



Миллий кино



Абдулла Ориповдек буюк шахсни халкимиз яхши танийди, асарларини севиб ўқийди, шеърларини ёд олади. Мен ҳам Абдулла Орипов шеъриятининг мухлисиман. Илгари фақат шоир сифатида билар эдим, лекин фильмни ишлаш жараёнида бу инсонни ўзим учун қайта кашф қилдим. Уни нафақат шоир, балки жонқуяр дўст, меҳрибон ота, суюкли умр йўлдош, саховатпеша ва оқибатли инсон, юксак фазилатлар соҳиби эканини билдим.



АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ
ҲАР БИР ЎТГАН КУНИНИ АЛОҲИДА
ФИЛЬМ ҚИЛСА БЎЛАДИ

ЁХУД КИНОДА ИНҚИЛОБ ҚИЛА ОЛАДИГАН ОДАМ
ПАЙДО БЎЛМАГУНЧА, БИЗ — КАТТА АВЛОД НОРОЗИЛИГИМИЗНИ
БИЛДИРАВЕРИШИМИЗ КЕРАК

“Ўйлайманки, агар виртуал олам фильмлари яратилса, шунда жаҳон киносида яна инқилоб содир бўлади. Аслида, кинода инқилоб бўлиши учун ҳар соҳада: адабиётда, санъатда, саноатда илғор фикрлар, янги технологиялар кўпайиши, умуман, ҳар бир жабҳада ўзгариш бўлиши керак. Шундагина кинода ҳам инқилобни кутсак бўлади”, дейди кинорежиссёр Музаффар ЭРКИНОВ.



Биз эса қаҳрамонимиз мулоҳазаларига жавобан шундай фикр билдирдик: қалб тугёни битмас-туганмас изтиробу кашфиётлар, муножатлар булоғидир. Унга талпинган ҳар лаҳзамиз бепарволикка, ёвузликка ва жаҳолатга қарши кўтарган исёнимиз, маърифий-маънавий инқилобимиздир. Мазкур суҳбатимиз ана шу талпинишлар, изланишлар майдони сари ташланган бир қадам бўлса, ажаб эмас...

— Яқинда Сербияда Эмир Кустурица ташкил қилган “17-Кустендорф” халқаро кинофестивалида ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этдингиз. Муҳокамалар чоғида замонавий кино дунёсидаги қайси муаммо ва ютуқлар алоҳида қайд этилди? Мазкур кинофестиваль голибларининг қандай ўзига хос жиҳатларини айтиб ўтган бўлардингиз?

— Аввало, Европанинг шундай нуфузли кинофестивалида асосий ҳакамлар ҳайъати сафидан жой олганимдан жуда хурсандман. Мазкур фестиваль ҳақида озгина маълумот бериб ўтсам. Жаҳон кино афсонаси Эмир Кустурица ташкил қилган “Кустендорф” халқаро кинофестивали 2008 йилдан буён ўтказиб келинади. Фестиваль дастуридан бадиий фильмлар намойиши ва мусиқий чиқишлар жой олган. Кинофестивалнинг бош совринига — “Олтин тухум” (сербча — “Златно жаже”), иккинчи ва учинчи совринларга эса кумуш ва бронза тухумлар тақдим этилади. Шунингдек, энг яхши операторлик иши учун “Вилько Филан” мукофоти берилди. “Кустендорф” фестивали, асосан, ёш кинорежиссёрлар ижодига бағишланади. Бироқ улар орасида таниқли муаллифлар ҳам бор. Эмир Кустурицанинг сўзларига кўра, ушбу тадбирни ташкил қилишга уни кинематография ва муаллифлик кинолари

ривожига хавф тугдираётган савияси “енгил” фильмлар ундаган.

Бу йилги фестивал ҳақида гапирадиган бўлсам, асосий кўрикка ҳар томонлама зўр ишланган 17 та фильм сараланган. Улар орасида ўзбекистонлик ёш режиссёр Шерзод Назаровнинг “Илак йўлида” номи фильми ҳам бор. Ҳар бир фильм ўзига хос гоё ва бадиий қимматга эга. Уларнинг аксарияти Европа давлатларида суратга олинган бўлса-да, фильмда берилган миллий калоритдан қайси давлат маҳсулотли эканини билиб олиш қийин бўлмади. Уч кун давомида ҳар куни 5-6 тадан фильм кўриб, жиддий муҳокама қилдик.

Жаҳон киносининг илғор вакиллари билан бир қаторда ҳакамлик қилиш мен учун катта тажриба бўлди. Чунки нафақат ўзимизда, балки кино санъати кучли ривожланган давлатларда ҳам танлов якунида голибларга фақат соврин топирилади, нима сабабдан ўрин берилгани изоҳланмайди. Бу фестивалда эса фильм учун берилаётган ҳар бир баллни асослаш, ҳатто уни ёзма равишда топириш мажбурий экан. Нима сабабдан айнан шу фильмга соврин берилгани изоҳланаркан. Бу барча иштирокчилар учун муҳим, деб ўйлайман. Чунки фестивалнинг шу тарзда ўтказилиши орқали ҳар бир иштирокчи ўз асарининг ютуқ ва камчиликлари ҳакамлар ҳайъати томонидан қандай баҳоланганини билиши, голиб бўлган фильмнинг қайси жиҳати ҳайъат аъзолари эътиборини тортганини

эдики, улар бу ролларни ўйнамаган, балки фильм ичида яшаган, деган таассурот пайдо бўлди. Ҳаётий воқеаларга асосланган кичик ҳикоя орқали ажойиб сюжет ўйланган. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу фильм анъанавий ҳинд киноси стандартларини бузгани ҳолда, кам сонли персонажлар ҳамда камеранинг секин ҳаракати орқали ҳаяжонли кинони ярата олган.

— Кунлар илиб, Наврўз соғинчи юракни ўртай бошлаган кезларда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг таваллуд кунини ҳам нишонлаймиз. 2023 йилда “Абдулла Орипов” бадиий фильмининг суратга олган эдингиз. Жараёнда семимли шоиримиз яшаган қадимги уйни қайтадан қурдирган экансиз. Томошабинларнинг таъкидлашича, лавҳаларнинг 80 фоизи ҳаётий воқеаларга асосланган. Зиммангизга олган катта масъулият юкидан қанчалик қутулдим, деб ўйлайсиз?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодини реал тасвирлаш учун унинг болалиқда

яшаган уйини, уй олдидаги ҳовузни қайта тиклашимиз керак эди. Умуман, нафақат уй ва ҳовуз, балки фильمنى олиш жараёнида давр муҳитини яратиш учун яқин тарихга кўп бора муурожаат қилишимизга тўғри келди. Қадрда тарихни жонлантириш учун ўнлаб декорациялар қурилди. Фильмнинг ҳаётий воқеаларга асослангани борасида шунини айтишим керакки, фильм қаҳрамони Абдулла Орипов тўқима образ эмас, у бизнинг давримизда яшаган, миллатимиз ардоқлаган, Ўзбекистон Қаҳрамони, қўйингки, Давлат мадҳиясини ёзган улуг шоир бўлган. Бундай инсон ҳақида фильм яратишда, албатта, тўқима саҳналарга эмас, ҳаётда содир бўлган реал воқеаларга асосланмасак бўлмас эди. Биографик фильм яратиш муаллиф этган фильмларни баҳолашда ҳам уларнинг шу жиҳатларига эътибор бердик.

Масалан, хиндистонлик Вивек Райнининг “Шанти” фильми жуда табиий чиққан. Актёрларнинг ижроси шу қадар маҳоратли



Фильмни яратиш жараёнида Абдулла Орипов каби буюк шахсларнинг ҳаёти жуда сермзамун бўлишига амин бўлдик. Уларнинг ҳар ўтган кунини битта сценарий қилса бўлади. Фильмда Абдулла Ориповнинг нафақат шоир, балки инсон сифатидаги кўп қирралари очилмади, баъзи саҳналар қисқартирилди, унинг болалиги, талабалик йиллари, ижодий фаолияти ҳақида икки соатлик фильм ишланди, холос. Бироқ Абдулла Орипов ҳақида билганларимизни сценарий қилсак, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида битта эмас, бир нечта фильм олиш, кўп қисмли сериал яратиш мумкин.

Яна бир янгилик — яқинда Эроннинг Техрон шаҳрида бўлиб ўтган 42-ФАЖР кинофестивалига жаҳоннинг 87 давлатидан 621 та фильм жўнатилган эди. Улар орасида “Абдулла Орипов” фильми ҳам бор.

— Улуг шоир яшаган давр муҳитини тасвирлашда жасур ва ўтюрак ижодкор билан елкадош бўлган, курашган шахслар образини яратишда сизга қимлар ва қандай манбалар ёрдам берди? Жараёнда хайратга солган янги маълумотлар ҳам учрадимиз?

— Биринчи ишимиз буюк шоирни яқиндан билган кишилар билан суҳбатлашиш бўлди. Энг аввало, Абдулла Ориповнинг оила аъзолари: Ҳанифа ая, қизлари, сингиллари, жиянлари, шоғирдлари билан учрашиб, Абдулла ака ҳақида бирор билан, бирор билмаган маълумотларни тўппладик. Бунинг учун улардан миннатдорман. Вақтларини аямай, бор билганларини гапириб беришга ҳаракат қилишди. Айниқса, Ҳанифа ая тасвирга олиш жараёнида доим ёнимизда бўлди. Яқинлардан олинган маълумотлардан ташқари биз архивга бориб, Абдулла Ориповга боғлиқ ҳужжатлар билан танишдик, керакли материалларни йиғдик. Абдулла Ориповнинг шеърий тўппламлари, улуг шоир ҳақида ёзилган мақолалар, чоп этилган китобларни ўрганиб чиқдик. Шундан сўнг сценарий ёзишга киришдик.

Албатта, Абдулла Ориповдек буюк шахсни халқимиз яхши танийди, асарларини севиб ўқийди, шеърларини ёд олади. Мен ҳам Абдулла Орипов шеъриятининг мухлисиман. Илгари фақат шоир сифатида билар эдим, лекин фильмни ишлаш жараёнида бу инсонни ўзим учун қайта кашф қилдим. Уни нафақат шоир, балки жонқуяр дўст, меҳрибон ота, суюкли умр йўлдош, саховатпеша ва оқибатли инсон, юксак фазилатлар соҳиби эканини билдим. Мени хайратга солган маълумотлар жуда кўп бўлди. Улардан бири Абдулла акада қандайдир илоҳий ҳис борлиги эди. Яқин инсонларининг айтишича, Абдулла ака бирор воқеа содир бўлишининг олдиндан ҳис этар экан. Мисол учун, бир шоғирди шундай деди: “Бир куни қизим оғир бетоб бўлиб қолди. Касалхонага ётқиздим. Пулим йўқ. Нима қилишни билмай, бир ахволда ишга бордим. Ўша пайт Абдулла ака Ўзувчилар уюммаси раиси эди. Йўлакда кўришиб қолдик. Қандай ҳис қилди, билмадим. Қўлимдан ушлаб, хонасига бошлади ва ёнидан бир даста пул чиқариб, “Тортинмай ишлатинг, инсон инсонга дала бўлиши керак”, деди устоз. Ҳақиқатча ўша пайтда пулга муҳтожлигимни қаердан билгани мен учун қоронғи”, деди у. Бундай воқеаларни кўп эшитдик. Лекин кинода вақт чегараси борлиги учун шоирнинг бу қирраларини кенгроқ кўрсатишга имкон бўлмади.

— “Бу дунёда барчанинг ўз Пуанкареси бор. Ҳар ким умри давомида унинг гипотезасини ечишга уринади”, дейди “Пуанкаре” фильми қаҳрамони алам билан. “Игна билан қудуқ қазиш”га чоғланган илм-маърифат кишиларининг аччиқ изтироблари, орзу-армонларини тирикчилик ташвишига алмашган қалблар надоматини тасвирлайдиган лавҳаларни суратга олишда сиз қайси тақдирлар зарбаси ва сабоқларидан хулоса чиқардингиз?

— “Пуанкаре” асари таниқли ёзувчи ва сценарист Абдуқаюм Йўлдошев

қаламига мансуб. Бу асарни менга адабиётшунос олим Шухрат Ризаев тавсия қилган. Асарни биринчи ўқишимдаёқ уни фильм қилишни ният қилганман. Бу ниятимга етти йил деганда эришдим. Ушбу фильмда ўзингиз айтиб ўтганингиздек, илм-маърифат, ижод кишиларининг маиший ташвишларга ўралашиб, ўз орзу-умидларини рўёбга чиқара олмагани, машаққатли меҳнату аччиқ изтироблари акс этган. Илмли инсон доим буюклика интилади. У бу йўлда ҳаётнинг қувончу ташвишларидан воз кечади, янги кашфиёт ёхуд буюк ижод намунасини яратиб, оламга танилиш учун умрини бахшида этади. Бироқ ўзбекилик, дейишади-ку, тўй, турмуш, рўзгор, бола-чақа, қуда-анда, маърака ва ҳоказо ташвишлар гирдобига кўмилиб қолади ва охир-оқибат орзу армонга айланади. Ҳаётда шундай бўлмаяптими? Фильмнинг асосий гоёси ҳам шу: Хоразмий, Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Маҳмуд Замахшарий, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиниий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби илму ҳикмат борасида бутун дунёга машхур аждодларимиз бўлган. Нега бутун ўзбек миллатидан дунёга машхур олимлар, ихтирочилар етишиб чиқмаяпти? Бунинг сабаби нимада? Абдуқаюм Йўлдошевнинг ҳикояси асосида ишланган “Пуанкаре” бадиий фильмида бу саволга қисман жавоб топиш мумкин, деб ўйлайман.

— Машхур кинематографлардан бири “Кинода инқилоб қила оладиган одам пайдо бўлмагунча, биз — катта авлод норозилигимизни билдираверишимиз керак”, дейди. Ижод ахли ҳаммиса бир қадам олдинда юришини ҳисобга олсак, келгусида кино оламида бизни қандай инқилобий давр кутмоқда?

— Кинодаги инқилоб деганда, ўзбек киносига эмас, жаҳон кинематографияси ҳақида гапиряписиз, деб тушундим. Агар кинодаги техник инқилоб ҳақида айтадиган бўлсам, бутунга қадар жаҳон киносида қилиниши керак бўлган барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Кино олишда турли даврларда инқилоб содир бўлганини биламиз. Оқ-қора тасвирдан рангли тасвирга, ленталардан кассетларга, кассетлардан рақамли форматларга ўтилд. Бутун эса 3D, 5D ва ҳоказо форматларда фильм олинапти, хромокадр ва графикалардан усталик билан фойдаланилгипти, фильмлар қўл телефонида суратга олинди, монтаж қилиниб, узатилгипти. Кинолардаги қаҳрамонларни актёрлар ўрнига графикада ясалган образлар ижро этипти. Ҳатто сунъий интеллект сценарий ҳам ёзиб берапти. Буларнинг ҳаммаси кинодаги инқилобдан далолат.

Тўғри, миллий киноларимизни яратишда бу қадар илғор технологиялардан фойдаланишга ҳали имкон бўлмади. Шунга қарамай, биз ҳам замон билан ҳамнафас юришга ҳаракат қиялгипмиз. Ўйлайманки, агар энди виртуал олам фильмлари яратилса, шунда жаҳон киносида яна инқилоб содир бўлади. Аслида, кинода инқилоб бўлиши учун ҳар соҳада: адабиётда, санъатда, саноатда илғор фикрлар, янги технологиялар кўпайиши, умуман, ҳар бир жабҳада ўзгариш бўлиши керак. Шундагина кинода ҳам инқилобни кутсак бўлади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Мухтасар ТОЖИМАТОВА
суҳбатлашди.



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 921.
44909 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манли: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов
Мусахҳис: Малоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 22:17 Топирилди — 23:45